ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Транспорт факултети

«Транспорт воситаларидан фойдаланиш» кафедраси

5521200 - «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш» йўналиши учун

«Транспорт воситалари корхоналарини ишлаб чиқариш техника базаси»

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Наманган-2006

«Транспорт воситалари корхоналарини ишлаб чиқариш техник базаси» фанидан маърузалар матни 5521200-Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Унда фанни ўқитишда Транспорт корхоналари ишлаб чиқариш техник базасини мақсади, ўрганиладиган муаммолар, ушбу фанни бошқа фанлар билан алоқаси, фаннинг таркиби ва унинг методик таъминоти баён этилган.

Тузувчи: т.ф.н., доц. Б.М.Исохожаев

Тақризчилар: т.ф.н., доц. А.Насритдинов
т.ф.н., доц. Ж.З.Холмирзаев

Ушбу маърузалар матни «Транспорт воситаларидан фойдаланиш» кафедраси йигилишида муҳокама қилинди ва фойдаланишга тавсия этилди. Баён № 1 « 18 » август 2006 й.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишининг асосий мақсади, вазифаси ва йўналишларини белгилаб беради. Бу тарихий ҳужжатларнинг босқичма-босқич амалга оширишнинг кадрлар тайёрлаш сифатига ижобий таъсир этаётганлигини бевосита иштирокчиси ва гувоҳи бўлиб турибмиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи деб қабул қилинган кадрлар тайёрлаш сифати эса, ўқув машгулотларининг барча шаклларининг тўғри режалаштириш ва сифатли ўтказиш билан чамбарчас богликдир. Бу ўз навбатида фанлар бўйича ишчи дастурларни замон талаби асосида тузилишини ва ишлаб чиқилишини талаб қилади.

Маърузалар матнида ишлаб чиқариш техника базаси ва технологик жиҳозларни ишлатиш самараси бўйича жаҳон ва ватанимиз эришган ютуқлари ҳамда кафедранинг мазкур йўналиш бўйича илмий-техник ва услубий қўлланмалари ҳисобга олинган.

Ҳозиргача мавжуд ишчи дастурларда фаннинг дидактик мақсади ва вазифалари етарли даражада аниқлаштирилмаётганлиги ҳамда ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароити тақозо этаётган талабларни ўзида тўла акс эттира олмаган ҳоллари мавжудлиги кузатилмоқда.

Фанни ўқитиш жараёнида қуйидаги вазифалар бажарилиши назарда тутилади: талабаларда ИЧТБни ташкил этиш ва ривожлантириш тўғрисида илмий фикрлашни шакллантириш, умумий ва умумтехник фанлар бўйича олинган билимларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий усулларини ўрганиш, ресурсларни тежаш ва экологик масалаларни мақсадга мувофиқ олган ҳолда АТК лойиҳалаш, қуриш ва кенгайтириш, ИЧТБни қайта қуриш ва уларнинг усуллари билан танишиш ва ўрганиш.

1-Мавзу. Кириш. Автомобил транспорти эксплуатацияси (АТЭ)ни таъминлашда техник базани (ТБ) тутган ўрни

Режа

1. Автомобил транспорти тармоги корхоналарини аҳамияти ва бозор иқтисодиёти шароитида автомобил транспортини ривожлантириш ҳақидаги Ўзбекистон республикаси ҳукуматининг қарорлари.
2. Техник база (ТБ) ва унинг элементлари ҳақида тушунча АТЭ кичик тизими мақсадини амалга оширишда ТБ ни таъсири ва тутган ўрни.
3. Автомобил транспорти корхонаси (АТК) техник база элементларини таркиби ва уларнинг вазифалари.

1.Автомобил транспорти тармоги корхоналарини аҳамияти ва бозор иқтисодиёти шароитида автомобил транспортини ривожлантириш ҳақидаги Ўзбекистон республикаси хукуматининг қарорлари.

Автомобил транспорти тармоги корхоналарини (АТТК) ларини ТБсини янада ривожлантириш Вазирлар маҳкамаси қарорлари билан узвий боглиқ бўлиб, у ҳозирги кунда янада катта аҳамият касб этмоқда.

Юк ва йўловчи ташишда халқ хўжалиги ва аҳоли эхтиёжларини ўз вақтида тўлиқ ва сифатли қондириш автотранспортнинг асосий вазифаларидан бўлиб, уни ҳал этиш учун янги техника ва технологияларни барпо этиш, ҳаракатдаги таркибни ва бошқа техник воситаларни янгилаш сурьатини жадаллаштириш, материал-техника базасини мустахкамлаш зарур бўлади. АТТК ТБ ривожлантириш ишларини механизация даражасини юқорига кўтариш вазифалари долзарб муаммо бўлиб турибди.

ТБ, ТХК ва Т тизими, ходимлар, ҳаракатдаги таркиб, таъминот тизими, техник эксплуатациянинг самарасига таъсир этувчи асосий муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатаяптики, техник эксплуатация самарадорлиги кўрсаткичлари бўлган таъмирлаш ишчиларининг ишчанлиги ва меҳнат унумдорлиги даражасига ТБни қўшган ҳиссаси ҳамма омилларнинг 18-25% ни ташкил этади.

Мамалакат автомобил транспортида кучли ТБ барпо қилинган. Шу билан бир қаторда, ташиш жараёни самарадорлигини ошириш ва ресурсларни ҳамма турларини тежаш зарурати АТЭни такомиллаштиришни, автомобилларга ТХК ва Т сифатини ошириш ва демак автомобил транспорти ТБни мустаҳкамлашни ва бундан кейинги ривожланишини талаб қилади.

Техник эксплуатацияни омили сифатида ТБ қатор ўзига ҳос хусусиятларига эга.

Биринчидан, бу катта капитал сигимга эга бўлиб ТБга асосий ишлаб чиқариш фондларнинг 35-45% тўгри келади.

Иккинчидан, бу етарли консерватив бўлиб, узоқ муддатли хизматга эга, шу даврда ҳаракатдаги таркибнинг, технологик жиҳозларнинг бир неча авлодлари эксплуатация шароитлари, ходимлар малакаси, ресурслар таъминоти сезиларли ўзгартиради. Демак ТБ бундай туб ўзгаришларга мослашган бўлиши керак.

Учинчидан, ТБни ишлаб чиқариш фондларининг пассив қисмига киритилишидир. Автомобил транспортини кенг ривожланиши қурилиш-монтаж ишларини ва капитал сарф ҳаражатларни чекланиши. ТБни автомобил транспортини замонавий талабларидан сезиларли орқада қолишига олиб келди ва бу автомобил транспортини меҳнат унумдорлиги даражасига таъсир кўрсатишда сезилди.

Тўртинчидан, комплекс АТКлар қуриш асосида ТБ ни ривожлантириш капитал сарфларни етишмаслигига олиб келди; комплекс АТКларга сарфланган ҳаражатлар, махсуслашганга қараганда анча юқори, ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ва жиҳозлардан фойдаланиш даражасини пастлигидир.

Бозор иқтисодиётининг янги шароитларида ТБ нинг аҳамияти сезиларли ошмоқда, чунки ТБ ривожланишига сарф қилинадиган ишлаб

чиқаришни ривожлантириш фондини асосий манбаи бўлган фойдани миқдорига ТБ нинг ҳолати сезиларли таъсир кўрсатади.

2. Техник база (ТБ) ва унинг элементлари ҳақида тушунча АТЭ кичик тизими мақсадини амалга оширишда ТБ ни таъсири ва тутган ўрни.



Расм. 1.1-расм. Техник эксплуатациянинг дарахт тизими.
1-ТБ таъминлаш даражасини ошириш.
2-ТБ таркиби ва қувватини оптималлаштириш.
3- ТХК ва Т жараёнларини механизация даражасини ошириш.
4-ТБ корхоналарини тармоқ регионал даражада кооперациялаш.
5- ТБ корхоналарини махсуслаштириш

Техник базаси техник эксплуатацияни кичик тизими ва омилларидан биридир (расм 1.1).

Техник эксплуатациянинг такомиллашуви кўп ҳолларда ҳаракатдаги таркибга ТХК ва Т ишлаб чиқаришни ривожланганлик даражасига ва ҳолатига боғлиқдир. Шу билан бирга АТЭ такомиллашуви, яхлит халқ хўжалиги ва тармоқда ягона техник сиёсат талаблари доирасида ТБ ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Демак, ТБ ни ривожланиши ва АТЭ ни такомиллаштириш бу транспорт жараёнини техник таъминлашни ўзаро боғлиқ жараёнидир.

Автомобил транспортини ТБ деганда, ҳаракатдаги таркибга ТХК ва Т, уларни сақлаш учун мўлжалланган, ходимлар ишлаши учун зарур шароитлар яратадиган маълум ташкилий-технологик тамойиллар бўйича ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган АТК даги ёки региондаги бинолар, иншоотлар, жиҳозлар ва мосламалар мажмуаси тушунилади.

ТБ ҳаракатдаги таркиб ва бошқа қатор ташкил этувчилар билан бир қаторда АТК ва яхлит автомобил транспортини асосий фондига киради. (жадвал-1.1)

ТБ ни ўзи етарли мураккаб кичик тизим бўлиб, у ҳолати (меъёрга нисбатан таъминланиш даражаси), таркиби (бинолар, иншоотлар ва бошқалар), вазифаси (АТК, устахоналар, таъмирлаш заводлари, омборлар ва бошқалар), ташкилий таркиби ва кооперацион алоқалар, махсуслашганлик даражаси ва бошқа бир қатор кўрсаткичлар бўйича таърифланиши мумкин.

Жадвал 1.1

АТК ни асосий ишлаб чиқариш фондлари

Асосий ишлаб чиқариш фондларини гуруҳлари, кичик гуруҳлари	АТК ни асосий ишлаб чиқариш фондларини ташкил этувчилари
1	2
Бинолар	Автовокзаллар, автостанциялар, маъмурий ва маиший бинолар, даволаш маскани, таъмирлаш устахоналари, цехлар, сақлаш бинолари
Иншоотлар	Сув йигиш башняси, резервуарлар, сув ва мойлаш материаллари учун цестерналар, қудуқлар, сув ҳавзалари, эстекадалар, шийпонлар, ёнилги қуйиш колонналари, канавалар, юкларни ортиш-тушириш қурилмалари, автомобилларни очиқ ҳолда сақлаш майдонлари, майдон ва ҳудуд қопламалари.
Узатиш қурилмалари	Транспортлар, ташқи электр тармоқлари, қувурлар, оралиқ қурулмалари билан
Машина ва жиҳозлар: куч узатиш машиналари ва уларни жиҳозлари.	Электродвигателлар, генераторлар, трансформатор-лар, буг трубиналари, ишки ёнув двигателлари, кўчма электростанциялар, компрессорлар.
Ишчи машиналар ва уларни жиҳозлари	Станоклар, электрпайвандлаш аппаратлари, ювиш машиналари, прессlар, яъни механик, термик химик ишлов бериш жиҳозлари.
Ўлчаш ва созлаш приборлари, лаборатория жиҳозлари	Диагностика станцияларини ва постларини ўлчов асбоблари ва жиҳозлари, лаборатория жиҳозлари ва приборлари, электр ўлчов приборлари ва х.к
Бошқа машина ва	Телефон станциялари жиҳозлари, ўт ўчириш машиналари, хўжалик машиналари.

жиҳозлар транспорт воситалари	Автомобиллар, автоторткичлар, тиркама ва ярим тиркамалар.
Асбоблар	Электродреллар, қисқичлар, тискилар, чилангар асбоблари ва ҳ.к
Ишлаб чиқариш инвентарлари	Ишчи столлар, дастгоҳлар, стеллажлар, тўсиқлар
Хўжалик инвентарлари	Мебел, диван ва бошқа хўжалик жиҳоз-анжомлари.
Бошқа асосий фондлар	Ер участкалари, боглар, дарахтлар ва бошқалар

АТЭ дарахт тизимида баён этилган ҳамма омиллардан техник эксплуатациянинг самарадорлигини оширишга техник базанинг қўшган ҳиссаси қуйидагича баҳоланади: ишлаш қобилиятига таъсири бўйича -18%, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича -19%.

Техник тайёрлик коэффициенти автомобилларни ишлаш қобилиятини намоён қилувчи кўрсаткичлардан биридир.

Техник тайёрлик коэффициенти автомобилни унумдорлигига тўгридан тўгри таъсир этади.

$$W*365 \cdot \Im_т \cdot (1-\Im_н) \cdot q \cdot \Rightarrow \cdot \wp \cdot l_{кй}$$

W- унумдорлик, ткм-йил; $\Im_н$-иш бўлмаган кунлар коэффициенти, q-номинал юк кўтариш, Т; $\Rightarrow$- юк кўтаришдан фойдаланиш коэффициенти; $\wp$-юрган йўлдан фойдаланиш коэффициенти; $l_{кй}$-ўртача кунлик юрган йўл.

Техник тайёргарлик коэффициентини ўзи эса эксплуатация шароитида, автомобилнинг ишончлилигидан, ТХК ва Тда туриш муддатидан аниқланади.

$$\sim_{T} X \frac{1}{1 \Gamma l_{кй} \frac{t_{пр}}{X_{пр}}}$$

$t_{ПР}$-автомобилнинг ТХК ва Т ўртача туриш вақти.

$X_{ПР}$-таъмиргача ўртача ишлаш муддати.

3. Ҳаракатдаги таркибни ишлаш қобилияти даражасига таъсир этувчи ТБни омиллари.

Автомобил парки ишчанлик қобилияти даражасига кўп сонли омиллар ва уларга мос кўрсаткичлар таъсир кўрсатади(жадвал 1.2).

Жадвал 1.2

Омиллар (кўрсаткичлар)	Ҳисоблаш Тенгламаси	Тенгламадаги
ТХК ва ЖТни майдонлар билан таъминланганлиги, $м^2$ – авт	$\frac{S}{A_{пр}}$	S –ТХК ва Т хоналар учун майдон, $м^2$, $А_{пр}$- келтирилган автомобиллар сони

ТХК ва ЖТ учун ишчи постлар таъминланаганлиги, авт. ўрни -1000 км.	$\frac{X_{пл}}{L_{пй}}$	$X_{пл}$ – ТХК ва Т постлар сони, $L_{пй}$ – автомобилларни йиллик юрган йўли, минг км.
Ишлаб чиқариш базаси билан таъминланганлиги, минг сўм - авт	$\frac{C_{зд}ГC_{об}}{A_{пр}}$	$C_{зд}$- Бино, иншоотлар нархи, минг сўм, $C_{об}$ – машина ва жиҳозлар нархи, минг сўм.
Технологик жиҳозлар билан таъминланганлиги , минг сўм – 1000 км	$\frac{C_{об}}{Lгг}$	
Таъмирлаш ишчиларнинг қуролланганлиги, минг сўм, ишчи	$\frac{C_{об}}{P}$	Р – таъмирлаш ишчилари сони.
ТХК ва ЖТ ишлаб чиқариш жараёнини механизация даражаси	$У_м$	$У_м$ – Ишлаб чиқариш жараёни механизация даражаси

Назорат саволлари.

1. ТБни таркиби, вазифалари.
2. АТЭни тизимида ТБни тутган ўрни.
3. ТБни техник эксплуатацияни омилларидан бири сифатида ўзига хос хусусиятлари.
4. Техник тайёргарлик коэффициетига таъсир этувчи кўрсаткичлар.
5. Ишлаб чиқариш базасини омиллари.
6. ТБни қандай кўрсаткичлар билан таърифланади.

Таянч иборалар

1. ТБни вазифалари.
2. ТБни таркиби.
3. ТБни АТЭ ни дарахт тизимидаги ўрни.
4. Бинолар таркиби.
5. Иноотлар таркиби.
6. Машина ва жиҳозлар таркиби.
7. Ўзбекистон Республикаси қарорлари.
8. Техник база.
9. АТЭ кичик тизими.
10. Техник базани аҳамияти.
11. Автотранспорт корхонаси техник базаси элементлари.
12. Автотранспорт корхонаси техник базасини вазифалари.

2-Мавзу. Техник базанинг ривожланишини йўли ва шакллари

Режа

1. ТБни ривожланишини ва тараққиёти йўллари
2. Транспорт воситалари корхоналарини янги қуриш, кенгайтириш, техник қайта қуроллаш ва қайта қуриш.
3. Транспорт воситалари корхоналарининг камчилик ва афзалликлари.
4. ТБни ривожланишини рационал шаклларини танлаш ва асослаш.

Яқин келажакда автомобил транспортининг автомобиллар техник тавсифига боглиқ ҳолда ҳаракат таркиби паркида ташиш ҳажмининг ўсиш кутилмоқда. Масалан: юк автомобилларининг ўртача юк ташиши 1,5 марта ортади; юк ташувчи ҳаракат таркибини ўсишнинг 70-75% огир юк ташувчи автомобиллар зиммасига тўгри келади. Шунинг учун юк ташувчи ҳаракат таркибини ИЧТБ ни 30-35% га мавжудларига нисбатан ошириш зарур бўлади.

Мавжуд корхоналарни ИЧТБ кичик ва ўрта юк кўтарувчи тиркамасиз автомобилларга ҳисоблангандир. Шу сабабли катта ва жуда огир автомобиллар мавжуд ИЧТБ қайта қуриш талаб этилади. Айниқса сақлаш жойларини ва ТХК ва Т минтақаларини ривожлантириш лозим.

Шундай қилиб, келажакда ТВ лар ИЧТБ реконструкция қилиш, қайта жиҳозлаш ва қуриш, ҳамда янги ТБ ларни огир юк кўтарувчи автомашиналар ва автопоездлар учун ташкил этиш лозим бўлади.

Автотраспортлар бўйича илмий тадқиқотлар қилувчи институтлар ва бошқа ташкилотларни хулосаси бўйича ТВ лар ИЧТБ нинг ривожлантиришнинг учта этап бўйича, йўллари мавжуддир.

1-чи этап мавжуд ИЧТБларни структураси ва фаолиятини ўзгартирмаган ҳолда такомиллаштириш.

2-чи этап (умумий фойдаланиш) жамоат транспортларини концентрация-жамланишини кенгайтириш ва махсуслаштирилган ТХ ва таъмирлаш.

3-чи этап концентрация-жамланиш базасида ИЧТБ қайта қуриш, ҳудудий ва корхоналардан ташқаридаги ИЧТБ махсуслаштириш ва акциядорлик жамиятига ўтказиш.

1- этапдаги ИЧТБ ривожлантиришнинг асосий йўналиши қуйидагилар ҳисобига бўлиши керак:

- Мавжуд АТК реконструкция қилиш, уларни ишлаб чиқариш майдонлари ва механик жиҳозларини норматив хужжатлар талаблари даражасига чиқариш лозим;
- Махсус АТК тузиш, автокомбинатлар ва автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаларини тузиш;
- Бошқарма ва бирлашмалар қошида махсус ТХК ва Т ишларини бажарувчи марказлашган ва махсуслашган АТК тузиш;
- Таъмир ишларини бажарувчи автотаъмирлаш заводлари ва автотаъмир устахоналарини хусусийлаштириш хиссадорлик жамиятларига ўтказиш;
- Бошқарма даражасида АТК бошқаришни такомиллаштириш;

- Техник хизмат қилувчи ва эксплуатация қилувчи корхоналарни ўз-ўзини таъминлашга ўтказиш.

Бу йўналишларни бажаришда ИЧТБ нинг асосий бўлиб, қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

АТК, автокомбинатлар, АТ бирлашмалар ТХК ва Т ишлари бўйича махсуслаштирилган бўлиб, корхоналар гуруҳига хизмат кўрсатади.

2- этапда ривожланиш қуйидагиларни кўзда тутади:

- АТК махсуслаштириш ва таъмирлаш корхоналарини рационал даражага кўтариш. Бу этапда ИЧТБ ташкилий структурасини сақлаган ҳолда хўжаликларни мустақиллигига эришиш. Бунда техник ва эксплуатация хизмати муносабатларида ИЧТБ асосий звеноси бўлиб, қуйидагиларни кўрсатиш мумкин;
- Шартномалар асосида махсуслаштирилган марказий база ТХК ва Т ни технологик гурух ташкил этилган ҳаракат таркиби билан тузади;
- АТК участкаси бўлиб, унга қийин бўлмаган ТХ ва ТТ ишларини бажаради, автомобил узелларини йигиш ва ажратиш операцияларини бажаради;
- Заводлар ва устахоналар агрегатларни КТ ишларини АТК ва МТХКБ учун бажаради;
- Технологик жиҳатдан қийин операциялар (кузов таьмири, рама таъмири, бўяш) ишларини махсус устахоналар илгор саноат технологияларни қўллаб деталларни тиклаш ишларини бажаради;
- Хўжалик ҳисобидаги инженер-техник хизматни бирлашмаси, корхоналарни бошқаришни ташкил этади ва ҳаракат таркибини таъмирлаш, созлаш, ростлаш бўйича эксплуатация қилувчи АТК муносабатларда бўлади.

3-этапда вазирликларга бўйсинишидан қатъий назар автомобилга ҳудудда ТХК ва Т кўрсатиш учун ягона ИЧТБ яратилади. Автомобил паркига хизмат кўрсатишнинг 18-25% дан 80-85% гача кенгайиши ҳисобига махсуслашган, жамоат мулки ва саноат усулида ишлар бажарувчи корхоналарни улуши ортади. Бу ҳолда техник ва эксплуатация хизмати бажарувчи муносабатларида қуйидаги схема бўйича бўлади:

1. Инженер-техник хизмат ҳаракат таркибини эгаси бўлиб автомобилларни тижорат корхоналаридан ижарага олади. Автомобилдан фойдалнилганлик учун ҳақ тўлашда эксплутация шароитига қараб, босиб ўтилган йўл учун амалга оширади.
2. Тижорат корхонаси ҳаракат таркибини эгаси бўлиб ТХ ва Т махсус марказий техник хизмат базаларида амалга оширади.
3. Автомобилларни эгаси инженер-техник хизмат бўлганда ҳаракат таркибини кафолатли ишларини берилган вақтда ёки босиб ўтилган йўл учун бажаради.

Бу кўрсатилган учта схемада тижорат корхонаси ижарага олинган муддатда, меъёр ва тарифга асосан инженер-техник хизматга ҳаракат таркибига тўловни кафолатлайди.

ТВК ИЧТБ ривожлантириш юқоридаги ҳамма этапларида ТХК ва Т ни саноат жараёнлари кўзда тутилган бўлиб, бунда ишлаб чиқаришни ташкил

этишнинг илгор формалари асосида агрегат, қисм ва деталларни таъмирлашда. Автокорхона ва материал-техник таъминот тизими ўртасида кооператив алоқалар тикланади.

ИЧТБ ривожлантиришнинг дастурини ҳар-бир этап учун алоҳида амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас ёки амалга ошириб бўлмайди. Бу этаплар ўзаро узвий боглиқ бўлиб, келажакда ҳар-хил масштабда рўёбга чиқарилади. ИЧТБ ривожлантиришни баҳолашда техник-иқтисодий кўрсаткичлар юқори кўрсаткичлари 3-этапда қўлга киритилади. Бу кўрсаткичлар 2.1- жадвалда кўрсатилган.

ИЧТБ ривожлантиришни этаплар бўйича асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини солиштирма қиймати

Жадвал 2.1.

+ийматлар	Этаплар бўйича кўрсаткичларни ўзгариши,%		
	1-этап	2-этап	3-этап
Техник тайёрлик коэффициенти	3-5	5,5 – 7,5	7 – 9
Таъмир ишларини иш унумдорлиги	30-40	50-55	60-65
ТХ ва Т солиштирма ҳаражатларини қисқариши	15-20	20-25	30-35

ИЧТБ нинг жуда юқори ривожлантириш даражасига амалда
2-этапда эришиш мумкин.

Бирин-кетин этаплар бўйича ТВК ИЧТБ такомиллаштириш масштаблари техник иқтисодий кўрсаткичларда қуйидагича баҳоланади:

-техник тайёргарлик коэффициентим 4-7% га ўсади.
- таъмирдаги ишчиларни меҳнат унумдорлиги 40-43% кўпаяди.
- ТХК ва Т ҳаражатлари 21-26 % қисқаради.
- солиштирма капитал қуйилмалар 16-20 % га камаяди.

Назорат саволлари.

1. ТБни техник эксплуатацияни омилларидан бири сифатида ўзига хос хусусиятлари.
2. ТБ ни ишлаб чиқариш базасини омиллари.
3. ТБни қандай кўрсаткичлар билан таърифланади.
4. ИЧТБ нинг ривожлантиришнинг қандай этаплари мавжуд.

Таянч иборалар

1. Ишлаб чиқариш базасини омиллари.
2. Техник тайёргарлик коэффициенти.
3. ТБ ни автомобилларни техник эксплуатациясининг самарадорлигига таъсири.

4. Техник тайёргарлик коэффициентини автомобилни унумдорлигига таъсири.

5. АТЭнинг самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар.

3-Мавзу. Ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш

Режа

1. Автомобил транспорти материал-техника базасини концентрацияси даражасини ошириш.
2. Ишлаб чиқариш базасини махсуслаштиришни чуқурлаштириш.
3. Ишлаб чиқаришни кооперациялашни кенгайтириш.
4. Ташкилий ишлаб-чиқариш таркибларини шакллантиришни асосий босқич ва принциплари.

1. Ишлаб чиқариш техника базаси қуввати ва уни ривожлантириш.

Ҳаракатдаги таркибга ТХК ва Т ишлаб чиқаришини самарали таркибини яратиш автомобил транспорти ТБни ривожлантиришда марказий вазифалардан бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришни таркиби деганда, ҳаракатдаги таркибни ишлаш қобилятини таъминлашга ишлаб чиқариш бўлинмалари ва ёрдамчи хизматлар мажмуаси тушунилади.

Комплекс АТК да КХК, ТХК, Д ва Т ишлари бажарилади. Бу ишларни бажариш учун АТКни ишлаб чиқариш қуввати билан, постларни қуввати, асосий технологик жиҳозлар ва иш жойларини қуввати билан белгиланади.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ТХК ва Т ишларини механизациялашни рационал даражага етказишда жиҳозлар комплексини гуруҳларга бўлиш керак: ишлаб чиқариш комплекслари; технологик комплекслари; операцион комплекслар (расм 3.1).



Расм 3.1. Комплекс жиҳозлар гуруҳлари.

АТЭ ни самарадорлигига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатади.

-ишлаб чиқариш базасини таъминланганлиги –X_1;

- АТКни қуввати - X_2;
- Автомобилларни ўртача ёши - X_3;

- ТХК ва Т ишларини бажарувчи ишчиларни иш ҳақи фонди – X_4;
- Тупроқли йўллар улуши - X_5;
- Йил давомида 0^0С дан паст бўлган кунлар сони - X_6;

Тармоқ миқёсида техник тайёргарлик коэффициентига танланган омилларнинг комплекс таъсир қуйидаги модел бўйича аниқланади:

ℑТXI ΗΙΙ ΛΓΙ ΗΛΝΜ|ΚΙ -Λ|ε ΚΓΙ ΞΙ Μ|ΚΙ ΖΜ|ε ΛΖΙ ΗΚΛΜ|ΚΙ ΖΚ|ε ΜΓΙ ΗΣΡ|ΚΙ ΖΝ
|ε ΝΖΙ ΗΚΣΝ|ΚΙ ΖΛ|ε ΞΖΙ ΗΣΜΣ|ΚΙ ΖΜ|ε Ο

Танланган омилларга таъсир даражасига қараб қуйидаги тартибда жойлашади:

- ишлаб чиқариш базасини таъминланганлиги - 21%.
- АТКни қуввати - 19%.
- Ҳаракатдаги таркибни «ёши» - 15%.
- ТХК ва Т билан боглиқ сарфлар - 14%.
- Йўл шароити - 13%.



Расм.3.1. Автомобилларни ишга чиқариш коэффициентларига қатор омилларнинг таъсири: 1 - ишлаб чиқариш базаси Билан таъминланганлиги; 2 - АТК қуввати; 3 - Ҳаракатдаги таркибнинг ўрта «ёши»; 4 - Регионда тупроқ йўллар улуши; 5 - Йил давомида 0^0С дан паст бўлган кунлар сони.

ТБни такомиллаштиришни асосий йўналишлари

Жадвал 3.1.

Мавжуд холати	Ривожланишнинг асосий йўналишлари
1. Ташиш ҳажми ва ҳаракатдаги таркиб паркини сифат ўзгаришлари ва ўсиш суръатидан ТБни ривожланишини орқада қолиши:	1. ТБга капитал сарфларни ошириш. 2. ишлаб-чиқариш марказлаштириш, махсуслаштириш ва

-АТК ни ишлаб чиқариш базасини тўлиқ таъминлаган-лиги; -ТБ янги автомобил параметрларига мос, кемаслиги; -Жиҳозлардан фойдаланиш даражасини пастлиги. 2. АТК ТБни асосий фондларини таркиби ва ҳолатини мукаммал эмаслиги: - ТБни асосий фондларини актив ва лассив қисмлари орасида но оптимал тақсимланиш; - Ёрдамчи ишлаб чиқаришни етарли даражада ривожланмаганлиги. - ТБни асосий фондларини анча эскиргани.	кооперациялаш асосий капитал сарфларни ТБни техник қайта қуроллашга йўналтириш. 3. янги қурилиш, қайта қуриш муддатларини қисқартириш. 4. технологик жиҳозларни ва анжомларни ишлаб чиқаришни 1,5-1,7 баробар ошириш. Технологик жиҳозларни сотиб олишга капитал сарфларни ошириш. Капитал сарфларни асосан ТБни қайта қуриш ва техник қайта қуроллашга йўналтириш. Технологик жиҳозларни сотиб олишга капитал сарфларни ошириш. Капитал сарфларни асосан ТБни қайта қуриш ва техник қайта қуроллашга йўналтириш. Технологик жиҳозларни сотиб олишга ажратилган капитал.

Ишлаб чиқариш қуввати миқдорига техологик жиҳозлар паркини таркиби энг кўп таъсир кўрсатади. Янги технологик кўпайтириш ишлаб чиқариш қувватини ошишига катта таъсир кўрсатади.

3. Ишлаб чиқариш техника базасини таркиби ва қувватини баҳолаш мезонлари.
4. АТК техника хизмати асосий фаолиятини таърифловчи ҳаракатдаги таркибга ТХК ва ЖТ ишлаб чиқаришни ривожланиш мезонларини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар қабул қилинган:
   - ТХК ва ЖТ дастури;
   - Таъмирлаш хизмат кўрсатувчи ишчиларни маоши фонди;
   - Ишлаб чиқариш фондлари (жиҳозлар, конвейерлар.) кўтариш-элитиш воситалари, станоклар, мосламалар ва х.к.;
   - Меҳнат ва материал сарфлар;
   - Автомобилларга ТХК ва ЖТ ишларини сифати;
   - Таъмирлаш ишчиларини меҳнат унумдорлиги.

АТК ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

- Сарф ҳаражатлари кўрсаткичларини ўзгаришини тавсифи;
- Ишлаб чиқариш натижаларини тавсифловчи кўрсаткичларни ўзгариши;

- АТК техника хизмати ишини самарасини аниқловчи кўраткичларни ўзгариши.

Ишлаб чиқариш белгиланган фаолиятини у ёки бу кўрсаткичларини нисбий аҳамиятига қараб унинг ривожланишига мустақил йўналишлари аниқланади.

3. Ишлаб чиқаришни махсуслаштириш, концентрациялаш ва кооперациялаш.

АТК ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичларини техник иқтисодий таҳлил қилиш ишлаб чиқаришни ривожланишини бош йўналишини ва уни техник даражасини ошишини аниқлашга имкон беради.

Булар:

- ТХК ва ЖТ ишлари турлари бўйича махсуслаштириш;
- Ишлаб чиқаришни кооперациялаш;
- Уюшмалар, концернлар ва корпорациялар барпо қилиш;
- Техник хизмат кўрсатиш стациялари ва марказлаштирилган техник хизмат кўрсатиш базаларини яратиш;
- Ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш ва техник қайта қуроллаш.

Бу йўналишларни баъзиларини кўриб чиқамиз.

Концентрациялаш-автомобил транспорти ҳаракатдаги таркибига ТХК ва Т ишларини бажариш учун ТБни, меҳнат ва бошқа ресурсларни бирлаштириш. Одатда, ТБни концентрацияси автомобил паркларини йириклаштириш ва корхонани ягона ташкилий-бошқарув таркибини ташкил қилиш билан богликдир ва у концентрация коэффициенти $К_к$ билан баҳоланади.

Махсуслаштириш - ҳаракатдаги таркибга ва унинг таркибий қисмларига ТХК ва Т ишларини айрим турлари бўйича бажаришга ишлаб чиқаришни йўналтиришдир. Бу илгор технологик жараёнлардан, унумдор жиҳозлардан, малакали ишчилардан унумли фойдаланиш имконини беради.
Бунда, ТХ-2, диогностика, технологик жиҳозлар ишлаб чиқиш, айрим агрегат ва узелларни таъмирлаш бўйича марказлаштирилган махсуслашган ишлаб чиқариш тузилади.

Махсуслаштиришни олтита шаклга ажратилади:

- Предметли;
- Регламентли-технологик;
- Агрегатли;
- Деталлар бўйича;
- Технологик;
- Функционал.

Кооперациялашган бир ёки бир неча корхоналар билан биргаликда ҳаракатдаги таркибга ТХК ва Т ишларини бажариш. Корхоналар ўртасида технологик, ташкилий бошқарув ва ахборот алмашув алоқалари ташкил этиш кўзда тутилади.
Ишлаб чиқаришни кооперациялаш даражаси кооперация коэффициенти $К_{кп}$ билан аниқланади.

$$\xi \xi \sigma X q_{K\sigma} \mid f q_{K\sigma} \Gamma Q_K)$$

$q_{K\sigma}$ - ушбу корхонага бошқа корхоналар томонидан бажарилган иш ҳажми (ёки нархи)

Q_K – умумий бажарилган ишлар ҳажми (ёки нархи)

Назорат саволлари.

1. Ишлаб чиқариш техника базаси қуввати ва уни ривожлантириш.
2. ТБни такомиллаштиришни асосий йўналишлари.
3. Ишлаб чиқариш техника базасини таркиби ва қувватини баҳолаш мезонлари.
4. Ишлаб чиқаришни махсуслаштириш, концентрациялаш ва кооперациялаш.

Таянч иборалар

Махсуслаштириш шакллари:

- Предметли махсуслаштириш;
- Регламентли-технологик;
- Агрегатли;
- Деталлар бўйича;
- Технологик;
- Функционал.
- Ишлаб чиқариш базаси билан таъминланганлиги;
- АТК қуввати;
- Ҳаракатдаги таркибни ўрта ёши;
- Регионда тупроқ йўллар улуши;
- Йил давомида 0^0С дан паст бўлган кунлар сони.

4-Мавзу. Ишчи ўринларни шаҳодатлаш ва ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш

Режа

1. Иш жойини режали шаҳодатлаш мақсади.
2. Иш жойини таснифи.
3. Иш жойини шаходатлаш.

1. Иш жойини режали шаходатлаш мақсади: меҳнат ва материал ресурсларидан, асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш иш унумдорлигини ўстириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Иш жойини шаҳодатлаш қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

-Ҳар-бир иш жойни меъёр талабларига ва илгор тажрибага монандлигини комплекс баҳолаш;

- Иш жойини бундан кейинги фойдаланилиши ҳақида қарор ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни асосий йўналишларини аниқлаш.

Иш жойини шаҳодатлаш режа асосида 5 йилда икки маротаба ўтказилади.

Иш жойини шаҳодатлаш билан бирга бригадалар ҳам шаҳодатланади.

2. Иш жойини таснифи.

Иш жойи - бу ижрочи маълум ишларни бажариш учун ускуна мослама ва жиҳозлар билан қуролланган меҳнат фаолиятини зонасидир.

Иш жойини шаҳодатлаш кўрсаткичлари.

1. Техника -техналогик даража.

Минтақа ёки устахоналари шаҳодатлаш фаолиятини баҳолаш бўйича хулосаси.

1. Баҳолаш шароитларига тўгри келади.
2. Баҳолаш шароитларига тўгри келмайди, лекин тўгри келтириш мумкин.
3 Баҳолаш шароитларига тўгри келмайди, лекин тўгри келтириб бўлмайди хам. Иш жойини тугатиш муддати.

Ишчи-пост бу бир ёки бир неча турдош ишларни бажариш учун технологик жиҳозлар билан таъминланган ишлаб чиқариш майдони бўлагидир.

Пост-бир ёки бир неча иш жойидан иборат мумкин.

Замонавий автотранспорт корхоналари шароитида ишчи жойлар бир-бири билан узлуксиз богланган бўлаклар тизимидан иборат. Бу алоқа ишлаб чиқариш жараёнини бирлиги, ҳамма иш жойларида топшириқларида, комуникация тармоқларини, сиқилган ҳаво, электр энергияси совитиш суюқликлари, мойлаш маҳсулотларини пропорционал тақсимланиши билан белгиланади.

Ишчи жойини ушбу шароитларга мослигини шаҳодатлаш билан аниқланади.

Дастлабки ҳужжат бўлиб технологик тамойил бўйича жойлаштириш тавсиялари билан стандартлаштирилган жиҳозлар табели, ҳамда жорий тамирлаш ва ТХК ни намунавий технологиялари хизмат қилади.

1— ишлаб чиқариш комплекслари
2 — технологик комплекслар
3— цех комплекслари
4— операция комплекслари

Цех ёки пост комплекси бу маълум турдаги (қотириш, электротехник, мойлаш, шиномонтаж, аккумлятор ва бошқалар) ишларни бажариш учун зарур жиҳозлар, мосламалар комплексидир. Технологик комплекс-бу ТХК ва (КХК, ТХ-1, ТХ-2 ёки ЖТ) ишларини айрим турлари бўйича ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун зарур жиҳоз, мосламалар ва бошқалар комплексларидир.

Ишлаб чиқариш комплекси— бу ҳаракатдаги таркибга ТХК ва ЖТ бўйича ишлаб чикариш дастурини бажариш учун зарур жиҳозлар, мосламалар комплексидир.

Операцион комплекси — бу иш жойида ТХК ва ЖТ ни айрим операцияларини бажариш учуи зарур жиҳозлар, мосламалар ва бошқалар комплексидир.

Минтақа, устахона ёки постни бир хил турдаги жиҳозлари учун ишлаб чиқариш қуввати қуйидагича ҳисобланади.

$$W_к = \frac{Ф * N * q}{T}$$

Бу ерда; Ф — технологик жиҳозни ҳисобланган даврдаги иш вақтини фонди;

N — бир хил турдаги жихозлар сони;

q — мавжуд меьёрларни прогрессив коэффициенти;

Т —ишларни меҳнат ҳажми, и.с.



Расм 3.2. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва ривожланиш чизмаси

Ишчи жойлари қуйидаги белгилари бўйича тасифланади:

-Ҳайдовчилар, асосий ва ёрдамчи ишчилар, ишчи жойлари.

-Муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар ишчи жойлари.

-Носаноат гурухи ходимларини ишчи жойлари.

Ишчиларнинг иш жойларини таснифий белгилари:

- Ишчиларни касби;
- Ишчи жойларидан фойдаланиш таснифи;
- Жиҳозларнинг мавжудлиги ва ҳолати;
- Ишчилар сони.

Ишчи жойланиш характерига қараб:

-Вақт бўйича - доимий ва вақтинча.

Доимий - бу муайян ишчи бириктирилган ва жиҳозлар билан таъминланган ишчи жойи. Бунга станоклар, стендларда ишлайдиган ишчилар киради.

Вақтинчалик -технологик жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш билан боглиқ ишчи жойлари.

Бунга чарх станоги, пармалаш станоги ва бошқа унга ўхшаш иш жойлари.

Стационар ва қўзгалувчан.

Стационар - меҳнат воситаларини бир жойда тўпланган - ишчи жойлар.

+ўзгалувчан - меҳнат предметига нисбатан ишчини кўчиши билан таърифланадиган ишчи жойлари.

+ўзгалувчан ишчи постларга автомобил, электрокара, юк ортувчи автомобил ҳайдовчиларининг ишчи жойлари киради.

Жиҳозларини борлиги бўйича:

- Жиҳоз билан;
- Жиҳозсиз;
- Ишчилар сонига қараб;
- Якка;
- Жамоавий.

Жамоавий деганда бир ишчи жойда бир неча ишчи ишлашига (ТХК, ЖТ постлари) айтилади.

Агарда бир ишчи бир вақтни ўзида бир неча жиҳозларда ишласа у бир ишчи жойга ўтади.

Ишчи жой сифатида қуйидагилар инобатга олинмайди:

- Умумий фойдаланиладиган жиҳозлар (масалан чарх, кўчма пармалаш станоги кўтариш-тушириш воситалари ва х.к.);
- Ўрнатилаётган ёки эксплуатацияга топширилмаган жиҳозлар;
- Ўқув мақсадлари учун қўлланиладиган жиҳозлар.

3. Иш жойини шаҳодатлаш.

Шаҳодатлаш жараёнидан ҳар бир ишчи жойи тўртта даража бўйича комплексли баҳоланади:

- Техник-технологик-$К_1$;
- Ташкилий иқтисодий-$К_2$;
- Меҳнат шароити ва техника хавфсизлиги-$К_3$;
- Ишлаб чиқаришни тайёрлаш тизими-$К_4$.

Иш жойини баҳолаш учун меъёрий усул (амалдаги маълумотларни меъёр билан солиштириш) қўлланилади.

Ишчи жойини меъёр талабларига мос келишини аниқлашда ГОСТ лардан, ОСТ лардан, санитар ва қурилиш қоида ва меъёрларидан, технологик лойиҳалаш меъёрларидан, намунавий лойиҳалардан ва бошқалардан фойдаланилади.

Зарур меъёрий материаллар бўлмаган ҳолларда баҳолаш учун эксперт усулидан фойдаланилади. Бунда шу соҳада эришилган ютуқлар, илгор меъёр ва усуллар, тажрибалар ҳисобга олиниши зарур.

Назорат учун саволлар.

1. Ишчи жой деб нимага айтилади?

2. Ишчи пост деб нимага айтилади?
3. Шаҳодатлаш ўзи нима?
4. Ишчи жойлар қандай тавсифланади?
5. Ишчи жойлар қандай шаходатланади?
6. Шаходатлашда қандай меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади?

Таянч иборалари.

1. Ишчи жойи.
2. Ишчи пост.
3. Технологик харита-шаходатлаш.
4. Техник- технологик даража (К1) бўйича шаходатлаш.
5. Ташкилий иқтисодий даража (К2)бўйича шаходатлаш.
6. Меҳнат шароити техник хавфсизлиги даражаси (К3) бўйича шаходатлаш.
7. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш тизими (К4) бўйича шаходатлаш.
8. Шаходатлашни зарур меъёрий хужжатлари.
9. Иш жойини таснифи.
10. Иш жойини шаходатлаш.

5-Мавзу. Автотиркамалар, хорижий ва бошқа турдаги автотранспорт корхоналарини дастурини ҳисоблаш

1. Автотиркамаларни меҳнат ҳажмларини ҳисоблаш.
2. Хорижий автотранспортли корхоналарни ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш.
3. Марказлашган техник хизмат кўрсатиш базаларини ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш.

1. Автотиркамаларни меҳнат ҳажмларини ҳисоблаш.

Автотиркамаларни капитал таъмирлашда туриш кунлари автотортқичникидек қилиб олинади, чунки тиркама ёки ярим тиркамаларни капитал таъмирлашда туриш кунлари автомобиллардан камдир.







Автотортқич ва тиркама таркибли автотиркамаларни ТХК ва ЖТ да туришини солиштирма кунлари якка тартибдаги автомобилларнинг тенг қилиб олинади.

Автотиркамаларни меҳнат ҳажмларини ҳисоблаш.

Автотортқич ва ярим тиркама таркибидаги автотиркамаларни ТХК ва ЖТ да туришни солиштирма кунлари қуйидагича Аниқланади.

Д тхк.жт * Дтхк.жт] (Д тхк.жт $\frac{1000 \mid Д_{2xm}}{\ell_2}$)

ТХК ва ЖТ меъёрий меҳнат ҳажмлари Низомдан олинади:

t^{M}_{TXKi}X $t^{M}_{ЖТi}$X

ТХК ва ЖТ ҳисобланган меҳнат хажмлари:

Кундалик хизмат:

а) Тўгрилаш коэффициентлари;

K_{KXam}X$K_{2am} \mid K_5 \mid K_M$ Z Автомобил тортгич учун,

K_{KXm}X$K_{2m} \mid K_5 \mid K_5$ Z тиркама учун.

б) Автотиркамани ҳисобланган меҳнат хажмлари;

$t^{X}_{KX_{АП}}$ X$t^{M}_{KX_{тП}} \mid K_{KXam}$Г$t^{M}_{KXT} \mid K_{KXI}$

Техник хизмат кўрсатиш:

а) тўгрилаш коэффициентлари;

K_{KXam}X$K_{2am} \mid K_5$ Z Автомобил тортгич учун,

K_{KXm}X$K_{2m} \mid K_5$ Z тиркама учун.

б) Автотиркамани ҳисобланган меҳнат ҳажмлари.

$t^{X}_{TX_{АП}}$ X$t^{M}_{TX_{АТ}} \mid K_{KXam}$Г$t^{M}_{TXT} \mid K_{TXI}$

Жорий таъмир:

а) Тўгрилаш коэффициентлари;

$K_{ЖТат} \text{X} K_1 \mid K_{2XT} \mid K_3 \mid K_4 \mid K_5 \text{Z}$ Автомобил тортгич учун,

$K_{ЖТТ} \text{X} K_1 \mid K_{2T} \mid K_3 \mid K_4 \mid K_5 \text{Z}$ тиркама учун.

б) Автотиркамани ҳисобланган меҳнат ҳажмлари.

$t^{X}_{ЖТ_{АП}} \text{X} t^{M}_{ЖТ} \mid K_{ЖТат} \Gamma t^{M}_{ЖТТ} \mid K_{ЖТТ}$

2. Хорижий автомобилли корхоналар ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш.

Мерседес Бенц 0405 автобусларига сервис хизмат кўрсатиш даврий масофалари: 15000км, 30000 км, 45000 км ва 90000 км қабул қилинган.

ТХК ва ЖТ меҳнат ҳажмлари:

$t_{15} \text{ X} 33{,}0 u.c; t_{30} \text{ X} 33{,}0 u.c; t_{45} \text{ X} 50{,}6 u.c; t_{90} \text{ X} 68{,}7 u.c$

Автобусларни 1 йилда юрган йўли:

$$L_{Й} \text{X} L_{ЙК} \mid \sim_{T} \mid Д_{СЙ}$$

ТХК йиллик миқдорлари:

$N_{90} \text{ X} \frac{L_{Й}}{L_{90}} \mid A_U$; $N_{45} \text{ X} \frac{L_{Й}}{L_{45}} \text{Z} N_{90} \mid A_U$; $N_{30} \text{ X} \frac{L_{Й}}{L_{30}} \text{Z} N_{90} \mid A_U$

$$N_{15} \text{ X} \frac{L_{Й}}{L_{15}} \text{Z} N_{90} \text{ Z} N_{45} \text{ Z} N_{30} \mid A_U$$

ТХК меҳнат ҳажмлари: T_{90}қ $N_{90} \mid t_{90}$; T_{45}қ $N_{45} \mid t_{45}$; T_{30} қ $N_{30} \mid t_{30}$

T_{15} қ $N_{15} \mid t_{15}$

ЖТ меҳнат ҳажмлари:

$T_{ЖТ}$ қ $0.2 \mid (T_{90} + T_{45} + T_{30} + T_{15})$;

ДЭУ (ахлат. юк ташувчи) автомобилар учун қуйидаги сервис хизматлари ўтказиш белгиланган.

СО 1 - 4000 км.
СО2 - 12000 км.
СО3- 24000 км.

ДЭУ автомобиллари учун

ишлаб чиқариш дастури Мерседес-Бенц 0405 автобусларини ҳисоблаш усули бўйича бажарилади. БЦТО йиллик ишлаб чиқариш программасни ҳисоби. Дастлабки маълумотлар



БЦТО ҳар-хил корхоналар билан шартномалар тузилади.

Бу шартнома асосида БЦТО корхоналарга қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

КХТХ-2: ЖТ ва агрегатларни таъмирлаш.

КХ йиллик иш ҳажми.

$$T_{КЙ} = N^1_{КХ} \cdot t^1_{КХ} + N_{КХ} \cdot t^i_{КХ} + \ldots + N_{КХ} \cdot t^i_{КХ}$$

ТХ-2 йиллик иш хажми

$$T_{2Й} = N^1_{2и} \cdot t^1_2 + N^2_{2и} \cdot t^2_2 + \ldots + N^i_{2и} \cdot t^i_2$$

$$T_{ЖТ} = \frac{L^1_{йл} \cdot A^1_р \cdot t^1_{ЖТ}}{1000} + \frac{L^2_{йл} \cdot A^2_р \cdot t^2_{ЖТ}}{1000} + \ldots + \frac{L^1_{йл} \cdot A^1_р \cdot t^1_{ЖТ}}{1000}$$

